

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ
ТАРТИБИНИ СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофикни таъминлаш, ерга бўлган хукуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6243-сон **Фармони** билан бошланган ер муносабатлари соҳасидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини янада соддалаштириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага бериш бўйича очик электрон танлов натижаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқлаш тартиби бекор қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига **иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.
4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М. Фаниев ва Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 24 март,
ПФ-91-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 24
мартағи ПФ-91-сон **Фармонига**
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофикни таъминлаш, ерга бўлган хукуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6243-сон Фармонининг 2-банди **бешинчи хатбошисидан** «, натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқланадиган» сўzlари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оиласи тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида дехқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-20-сон **қарорида**:

- а) 2-банднинг **тўртинчи хатбошиси** «оилаларга» сўзидан кейин «ҳамда 2022 йил 1 март санасидан кейин хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларига» сўzlари билан тўлдирилсин;
- б) 6-банднинг **биринчи хатбошиси** «тизимиға» сўзидан кейин «ва «E-auksion» электрон савдо платформасига» сўzlари билан тўлдирилсин;
- в) 2-илованинг **матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«E-IJARA» ахборот тизимиға ва «E-auksion» электрон савдо платформасига интеграция
қилиш орқали идоралараро электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйиладиган**